O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ... PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# ÓZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

2002 YIL
3 DEKABR
SESHANBA
№ 147 (27.006)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### Б. Р. Парпиевни Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг раиси этиб тайинлаш тўғрисида

Ботир Рахматович Парпиев Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг раиси этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 2 декабрь

## КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ЖАМИЯТ САРИ

## КОНСТИТУЦИЯ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

Биз демократия неъматларининг истеъмолчиси бўлиш билангина чекланиб қолмай, балки ана шу неъматларни яратувчи фаол шахслар бўлишимиз зарурати бугунги давр, ислоҳотларимиз янги босқичининг муҳим шартларидандир

XX асрнинг сўнгги ўн йили ҳуқуқ тарихи саҳифаларига жаҳон ҳамжамияти аъзоларининг конституциявий дунёқарашида, давлат тузумида чуқур сифат ўзгаришлари юз берган, дунё янги конституциявий воқелик сари қадам қўйган муҳим давр сифатида нақш этилишига шубҳа йўқ. Зеро, бу даврда, бир томондан давлатлар ва халқлар ўртасида бошқа жабҳалар, ягона ҳуқуқий жараёнлар интеграцияси ва ҳамкорлиги кучайган, ягона ҳуқуқий маконга, ягона халқаро нормалар, қоидалар ва стандартларга ўтилиши кенг кўламда намоён бўлган бўлса, иккинчи томондан, жаҳон конституциявий харитасида изма-из янги мустақил давлатлар конституциялари пайдо бўлгани кузатилди.

Шу маънода, Ўзбекистон собиқ иттифоқ ҳудудида биринчилардан бўлиб ҳуқуқий суверенитетга эришиш мақсадини эълон қилганлиги, Президентлик бошқаруви шаклини жорий этганлиги, давлат рамзлари бўйича комиссия тузганлиги, Мустақиллик тўғрисида декларация қабул қилганлиги, Конституциявий комиссия тузганлиги ва Конституциясини ишлаб чиққанлиги билан ҳақли равишда фахрланишимиз мумкин.

Бош Қомусимизнинг ўн йиллик катта тўйи арафасида турган эканмиз, биринчи Конституциямизнинг яратилиши ва қабул қилиниши тарихи билан боғлиқ бир шоён ҳақиқатни эсламоқлик, таъбир жоиз бўлса, эътироф этмоқлик ҳам фарз, ҳам қарз, деб ўйлайман.

Гап шундаки, Президентимиз Ислом Каримов ўшанда икки ўзаро боғлиқ муаммони — Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини қарор топтириш ва унинг Конституциясини қабул қилиш муаммоларини бирдек муваффақиятли ҳал этди. Боз устига, бу залворли вазифалар бошқа ижтимоий муаммоларни ҳам мунтазам равишда ҳал қилиш билан баравар бажарилдики, бундай улуғвор ва мураккаб ишларни рўёбга чиқариш катта жасорат ва матонат талаб қиларди.

Мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси тараққиётимизнинг ҳуқуқий пойдеворидир. Юртбошимиз ибораси билан айтганда: **«Бизнинг Қомус демократик конституцияларга қўйиладиган юксак талабларга жавоб беради, инсон ҳамда фуқаронинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини кафолатлайди».**

Халқаро конституциявий тажрибадан маълумки, аксарият давлатлар конституциялари асосан давлат органлари тизимига бағишланади, фақат давлат ҳокимиятининг ташкил этилишинигина ҳуқуқий мустаҳкамлайди. Бизнинг Асосий Қонунимиз эса биргина давлат тизими билан чекланиб қолмай, балки фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини кенг қамраб олганлиги билан ҳам жаҳон жамоатчилиги назарига тушди.

(Давоми 2-бетда)

## «ОЗОД МАМЛАКАТНИНГ ОЗОД ФАРЗАНДИ, БИЛИБ ҚЎЙКИ, СЕНИ ВАТАН КУТАДИ!» фототанловига



У виолончелни ўн ёшида қўлга олган эди. Устози Амин Сапоев боланинг истеъдодини туйди-да, отасига: «Ўғлингизни бир ойга менга беринг!» деди. Комил мана шу қисқа муддатда мусиқа мактабининг бешинчи синфи дастурини ўзлаштирди.

Бу ўринда аввало ирсиятни тилга олиш ўринли бўлади. Комилнинг ота-онаси истеъдодли машшоқ, бобоси Улуғбек Мусаев (Оллоҳ раҳмат қилсин!) мамлакатимизда машҳур бастакор эди. Ўзбек заминини ҳам унутмайлик, албатта. Жаҳонга мислсиз шоир ва олим, мутафаккир ва меъмор, мусаввир ва халқ усталарини етказиб берган ўзбек заминини!

...1995 йили Япониянинг Сендай шаҳрида ўтказилган П.Чайковский номидаги Халқаро ўсмирлар танловида ўн олти яшар Комилга дастлабки зафар ёр бўлди. 500 нафар даъвогардан 42 та машшоққина якунловчи турда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Ўшанда ҳамюртимиз жаҳондаги энг яхши ўн икки виолончелчи сафидан жой олган эди.

Бир йилдан сўнг консерватория талабаси Америкага — энг нуфузли ўқув юртларидан бўлган Лос-Анжелесдаги Жанубий Калифорния университетига ўқишга таклиф этилади.

Комил қаршисида ниҳоятда гўзал режалар очилади. Ахир уни бутун дунё қучоқ очиб кутиб турар эди!

Аммо келажакка йўл фақат меҳнат орқали ўтади. Комил, ҳали ёш бўлса-да, олис юртда, ота-онаси, яқинлари, устозларидан йироқда, ўзини йўқотиб қўймади. Дастлаб инглиз тилини ўрганишга киришди. Уч ойдан сўнг бу тилда бемалол мулоқот қила оладиган бўлди, бир йилдан кейин эса TOEFL бўйича имтиҳон топширди.

Машаққатли йиллар беҳуда ўтмади, албатта. Комил Жанубий Калифорния университетини муваффақиятли тамомлаб, шу йил апрель ойида Кингсвиллда (Техас штати) ўтказилган Халқаро виолончелчилар танловида Гран прини қўлга киритди. Бу танловда дунёдаги кўплаб мамлакатдан олтмиш нафар машшоқ иштирок этган эди.

Мусиқа оламида бу ғалаба ўз-ўзидан жаҳондаги энг нуфузли оркестрлар сафида концерт бериш ҳуқуқини ҳам беради. Бу ғалаба Комилга таҳсилни давом эттириш имконини ҳам берди: у Германиядаги Мюнхен олий мусиқа мактабига магистратурага юборилди. Ҳозир у машҳур педагог Элеонора Шонфелд синфида шуғулланиш билан бирга Бонн университети филармонияси оркестрида концертмейстерлик ҳам қилмоқда.

Комил кўп мукофотлар соҳиби. Лекин унинг учун энг азиз, энг қимматбаҳо мукофот — бу Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан таъсис этилган «Ниҳол» мукофоти. У шу йил сентябрь ойида мустақил мамлакатимиз созандалари орасида ўтказилган бу танловда қатнашиб, ана шу мукофотни қўлга киритди.

Урганчдан чиққан оддийгина ўзбек боласининг қисқагина, лекин бой таржимаи ҳоли ҳозирча шундан иборат. У ўзининг истеъдоди, меҳнати туфайлигина ана шундай юксак чўққиларга чиқа олди. Энди азиз юртимизни жаҳонда намойиш этиб турибди.

■ **Рустам ШАГАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## АЛИШЕР НАВОИЙГА ЭҲТИРОМ




Москва марказида буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ҳайкалининг тантанали очилиш маросими бўлди.

А.Навоийнинг беш метрлик бронза ҳайкали — Ўзбекистон пойтахтидан Россия пойтахтига ҳадя қилинди. У Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият арбоби Равшан Миртожиев чизмаси бўйича Тошкентда қуйилиб, Добрининин майдонидаги ҳиёбон марказида уч метрлик гранит пойдевор устига ўрнатилди. Ҳайкалнинг москвалик ҳаммуаллифлари — Россияда хизмат кўрсатган меъморлар — Москва шаҳрининг бош меъмори Александр Кузьмин ва унинг ўринбосари Игорь Воскресенскийдир.

Пойтахт мэри Юрий Лужковни ҳам ҳеч иккиланмасдан Навоий ҳайкалининг ҳаммуаллифи деб айтиш мумкин. Ўтган йили Москва мэриясига бир гуруҳ россиялик машҳур фан ва маданият арбоблари мактуб билан мурожаат этган эди. Улар кўҳна тарих ва бой маданий анъаналарга эга мамлакат — Ўзбекистоннинг Москвада битта ҳам маданият арбоби ҳайкали йўқлигига мэр эътиборини қаратганлар. Юрий Михайлович мурожаатнома муаллифлари ташаббусини ўша заҳотиёқ қўллаб-қувватлади.

Ўтган йили таваллуд топган кунининг 560 йиллиги жаҳонда кенг нишонланган Алишер Навоийнинг ҳайкали бежиз танланмаган. У нафақат буюк шоир, файласуф, давлат арбоби бўлган. А.Навоий ўзбек адабий тилининг асосчиси ҳамдир. Уни жаҳон цивилизацияси ривожига ҳисса қўшган буюк адиб ва мутафаккирлар, жумладан, Россиянинг замонавий оғзаки ва ёзма ижодиёти замирида турган А.Пушкин билан таққослаш мумкин.

А.Навоий ҳайкалининг тантанали очилиш маросимида шаҳарнинг ижодкор зиёлилари ва жамоатчилигининг кўплаб вакиллари иштирок этди. Тадбир Россия оммавий ахборот воситаларида ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ҳ.Кароматов бошчилигидаги давлатимизнинг ҳукумат делегацияси ҳамда Россия ҳукумати вакиллари ва Москва шаҳри мэрияси раҳбариятининг маросимдаги иштироки ушбу тадбирга алоҳида файз киритди.

(Давоми 4-бетда)

## ЛАЙЛАТ УЛ-ҚАДР

*Қадр кечасида жами мусулмон,*
*Аллоҳ муждасига кўз тикар гирён.*
*Ҳар йили бир бора юз берса ҳамки,*
*Мен уни кутгайман ҳар тун нигорон.*

**Абдулла ОРИПОВ,**
**2002 йил 2 декабрь**



## ОРОЛ ҲУДУДИГА МОДДИЙ МАДАД

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Мусо Ерниёзов Осиё тараққиёт банкининг Шарқ ва Марказий Осиё департаменти бош директори Герт Ван Дер Линденни қабул қилди.

Муҳтарам меҳмон Ўзбекистон бўйлаб сафари ҳақида сўзлар экан, Осиё тараққиёт банки томонидан Қорақалпоғистондаги сувсизлик оқибатларини бартараф этиш, кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш, кичик бизнесни ривожлантириш, лизинг операцияларига кредит бериш учун 2,5 миллион АҚШ доллари миқдорида грант ажратилганлигини маълум қилди. Бугунгача бу маблағнинг 250 минг доллари келиб тушди. Шунингдек, мазкур банк овул аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистонга ёрдам тариқасида 38 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратишга қарор қилди.

Қабул пайтида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари Б. Қидирниёзов қатнашди.

■ **Реймбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**



■ Бурхон РИЗО олган сурат

**Қиш ойининг дастлабки кунидан бошлаб она Ўзбекистон замини оппоқ қорга бурканди. Қор — поклик, тўкинлик рамзи. Бугун ёғаётган оппоқ қор эртага юртимизга сероблик, ризқ-рўз, қут-барака олиб келади.**

## ЎТГАН ҲАФТА: ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

**Ислом КАРИМОВ:**

## «ҲАР ҚАЙСИ ИНСОН БУЮК КУЧ СОҲИБИ. ФАҚАТ УНИ УЙҒОТА БИЛИШ КЕРАК»

Президентимиз бу сўзларни 28 ноябрь куни халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида айтди. Тўғриси, бу сўзлар бизга Юртбошимизнинг бундан тўққиз йил бурун, 9 октябрь куни айни шу вилоятда ва айни шундай сессиялардан бирида айтган мана бу сўзларини ҳам эслатди: **«Сирдарё вилоятидаги вазият ҳаммамизни, аввало, Президент сифатида мени ташвишга солмоқда. Вилоятда кейинги пайтларда ижтимоий-иқтисодий масалаларга раҳбарлик бўшаштириб юборилди...»**

Яна ёдимизга тушди: 1996 йил 28 октябрь куни бўлиб ўтган сессияда ҳам шундай ташвиш билдирганди: **«...нега аҳвол шу даражага бориб етди?.. Бунга жавоб битта: сабаб вилоятнинг энг юқори мартабали раҳбарларининг ташкилотчилик савияси пастлигида, қўл остида ишлаётган раҳбарларни бошқариш, уларнинг бошини қовуштиришда заифлик қилаётгани, бепарворлик ва масъулиятсизлигида деб биламан...»**

Сўнгги йилларда бўлиб ўтган халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияларида ҳам шунга ўхшаш фикрлар билдирилди.

Давлатимиз раҳбарини мудом ташвишга солиб келаётган бундай вазиятлар — яъни ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ечими ва уларнинг ижросига раҳбарликдаги масъулиятсизлик, бўшашувчанлик ҳоллари вилоятда ҳануз содир бўлаётган эканки, бу галги сессияда ҳам **«...марраларга эришиш учун... биринчи навбатда эл-юрт уйғониши, белини қаттиқ ва маҳкам боғлаб... бирлашиши, барча имкониятларини, мудраб ётган салоҳиятини ишга солиши, сафарбар қилиши зарур... Ҳар қайси инсон буюк куч соҳиби. Фақат уни уйғота билиш керак»,** — дея куюниб гапиришга мажбур бўлди.

Зеро, мустақилликнинг ўн иккинчи йилига қадам қўйиб ҳам вилоятда ишни ташкил қилиш, олдинда турган вазифаларни ҳал этиш ва мавжуд муаммоларни ечиш йўлида халқни, меҳнаткашларни бирлаштириш, жипслаштириш, уларга аниқ йўл кўрсатиш ҳамда бошчилик қилиш каби бири-биридан масъул ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилганини нима деб изоҳлаш мумкин? Бундай ҳолда натижа ўз-ўзидан маълум: сўнгги йилларда мамлакатимиз бўйлаб амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришлар ва янгиланишлар вилоятда у қадар сезилмади. Давр талаб вазифалар вақтида ечим топмади. Иқтисодий-ижтимоий ривожланиш суръатлари ортда қолди. Биргина жорий йилнинг тўққиз ойи давомида вилоятнинг йирик саноат корхоналари республика иқтисодиётига 2 миллиард 300 миллион сўмлик зарар келтирди. Омборларда 2 миллиард 500 миллион сўмлик маҳсулот харидор кутиб ётибди. Ташкилотлар ва корхоналарнинг дебиторлик қарзлари 47 миллиард сўмдан, кредиторлик қарзлари эса 100 миллиард сўмдан ошиб кетмоқда. Четга маҳсулот экспорт қилувчи корхоналар сони камайиб кетаётгани устига — ишлаб турганлари ҳам кўзланган кўрсаткичларга эришолмаяпти, хорижий сармоялар иштирокида ташкил этилаётган корхоналар эса мутлақо йўқ...

Устига-устак, иқтисодий ночор хўжаликлар қарз ботқоғига ботишди, қишлоқ хўжалиги судралиб қолди, мелиорация ҳолати янада ёмонлашди, пахта ҳосилдорлиги тушиб кетди, режалар қатор йиллар сурункасига бажарилмаётир. Хуллас, бир вақтлар халқ хўжалигини механизациялаштириш борасида пешқадамлардан бўлган вилоят узоқ йиллар мобайнида яратилган ўзига хос деҳқончилик мактабини йўқотиб қўйди. Табиийки, бу ҳол халқнинг, меҳнаткашларнинг моддий турмуш тарзига, уларнинг ижтимоий муҳофазасига, маданий-маънавий тарбиясига ва ҳуқуқий ҳимоясига салбий таъсир кўрсатди.

Президентимиз ўз маърузаси пировардида бундай ва бундан-да аянчли манзаралар мамлакатимизнинг бошқа вилоятларида ҳам мавжудлиги сир эмаслигини, айтилган барча танқидий фикрлар бошқа вилоятлар раҳбарларига (аниқроғи, ҳокимларига!) ҳам тегишли эканлигини алоҳида таъкидлар экан, дедилар: **«ҳоким, етакчи деган шахс халқ қандай яшаяпти, унинг орзу-интилишлари, ташвиш-муаммолари нимадан иборат — барча-барчасидан албатта хабардор бўлиши керак».**

Бу сўзлар ва юқоридаги тафсилотлар замиридан — бугунги кунда ҳар қандай раҳбар зиммасига ўта оғир ва масъулиятли вазифалар юкланаётганлигини илғаб олиш у қадар қийин эмас. Чунончи, Юртбошимиз ўзлари изоҳлаб ўтганларидек, раҳбар елкасига биринчи галда кадрлар билан ишлаш, билимли ва айниқса, тажрибали ёш кадрларни топиш, уларни танлаш ҳамда бўлажак ўринбосарлар қилиб тарбиялаб боришдек масъулиятли топшириқ «ортилган».

Раҳбар эл-юрт ғурурини кўтариш, одамларни уйғотиш, бирлаштириш, бошини қовуштириш, кўнгилларига йўл топиб кириб олиш ва ниҳоят, улар қалбида мудраб ётган салоҳият қирраларини ишга солишнинг уддасидан чиқса, ўша жойда иш юришади.

Одамлар раҳбарнинг фидойи инсон эканлигига ишонади ва унинг ортидан эргашади.

Мухтасар қилиб айтганда, шундагина у, буюк куч соҳиблари — чинакам кадрларни, ҳақиқий инсонларни топа олади, уйғотади, даъват этади ва сафарбар қила олади!

(Давоми 2-бетда)

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

Буюк бобокалонимиз, шавкатли саркарда ва давлат арбоби Амир Темур ҳазратларининг «Куч — адолатда» деган ҳикматли сўзлари ҳаммамизга маълум. Президентимиз Ислом Каримов бу пурмаъно нақлни янада ривожлантириб, «Адолат — қонун устуворлигида», деб таъкидлар экан, худди шу ҳаётий тамойилга қатъий амал қилиб яшашимиз зарурлиги, биз учун бундан бошқа йўл йўқлигини алоҳида уқтиради.

Ўз галида, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятга ўтиш жараёни ҳам Конституция ва бошқа қонунларимиз асосида, қонун устуворлигига мувофиқ равишда кечмоғи даркор. Шу маънода, бу борада ўтган йилларда бир қанча қонунлар қабул қилингани диққатга сазовордир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, жамоат бирлашмалари, касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари, нодавлат, нотижорат ташкилотлари, виждон эркинлиги, сайловлар тўғрисидаги бир қатор қонунлар, Фуқаролик ва Солиқ Кодекслари каби қонун ҳужжатлари юртимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муайян ҳуқуқий асослари яратилганидан далолат бериб турибди.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари сессияда «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонунга зарур ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, «Ижтимоий жамғармалар тўғрисида», «Нодавлат, нотижорат ташкилотлари ва уюшмалари тўғрисида», «Хайрия фаолияти тўғрисида»ги қонунларни қабул қилиш ташаббуси билан чиқди.

Табиийки, таклиф этилаётган янги қонун ҳужжатлари фуқаролик институтлари ва ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш учун энг мақбул ташкилий-ҳуқуқий механизмларни, яъни тегишли қонунчилик асосларини янада мукаммаллаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Дейлик, бугунги кунда мамлакатимизда қарийб 50 та жамғарма бор бўлса-да, уларнинг фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи алоҳида қонуннинг мавжуд эмаслигининг ўзиёқ «Ижтимоий жамғармалар тўғрисида»-ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш нечоғли долзарб масала эканини яққол англатиб турибди.

Ёки бўлмаса, «Хайрия фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ҳам долзарб аҳамият касб этади. Негаки, айни чоғда юртимизда турли хил ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларга ҳомийлик қилаётган бир талай хайрия ташкилотлари мавжудлигига қарамай, ҳозирга қадар уларнинг хайрия билан боғлиқ фаолияти қонунчилик асосида тартибга солинмаган.

Қонунчилигимизда хайрия фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар учун муайян имтиёзлар кўзда тутилган бўлса-да, хайрия ишларига бош қўшаётган корхона, ташкилот, муассаса ва жисмоний шахсларнинг ушбу соҳадаги фаолияти, ўзаро муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш механизми ҳалигача ишлаб чиқилмаган. Худди шу сабабли бу борада зарур бўлган янги қонунларни қабул қилишга жиддий эътибор берилмоқда.

Истиқлол туфайли фуқароларимизнинг дунёқараши, тафаккури тубдан ўзгарди. Уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошди. Бу ижобий жараёнлар кишига мамнуният бағишлайди. Зеро, биз демократия неъматларининг истеъмолчиси бўлиш билангина чекланиб қолмасдан, балки ана шу неъматларни яратувчи фаол шахслар бўлишимиз зарурати бугунги давр, ислоҳотларимиз янги босқичининг муҳим шартларидандир.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ҳаётбахш ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш учун Бош Қомусимизда мустаҳкамланган ҳуқуқий қоидаларни тўла рўёбга чиқаришда собитлик билан давом этиш, хусусан, Президентимиз таъкидлаганидек, **«энг мақбул ташкилий-ҳуқуқий механизмларни, яъни тегишли қонунчилик асосини шакллантириш, ташкилий-техникавий, моддий шарт-шароитларни, давлат ва жамоат бирлашмалари ҳамкорлигининг самарали усул-услубларини вужудга келтириш ўта муҳим аҳамият касб этади».**

**■ Акмал САИДОВ,**
**юридик фанлари доктори, профессор**




**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИДА ЎТГАН ҲАФТАДАГИ САВДО НАТИЖАЛАРИ**

☞ Филиалда 4 та савдолар ўтказилди. Шундан 1 таси кимошди, 3 таси биржа савдоларидир.

☞ Кимошди савдоларида якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган 2 та ер майдони 1 900 000 сўмга сотилди.

☞ Биржа савдоларида 7 та кўчмасмулк ва 16 та автотранспорт воситаси 66 546 900 сўмга сотилди.

***Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!***

*Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент шаҳар филиали Сизларни биржа савдоларига таклиф қилади. Биржа савдолари ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтади.*

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А. Қодирий кўчаси, 13-уй.**
**Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78.**

*Уважаемые акционеры, извещаем Вас, что 18 декабря 2002 года в 14.00 часов состоится внеочередное акционерное собрание ОАО «Газавтоматика» на территории предприятия.*

***Повестка дня:***

1. Вхождение ОАО «Газавтоматика» в состав создаваемой Ассоциации предприятий коммунальной отрасли в структуре Агентства «Узкоммунхизмат».
2. Создание совместного предприятия с китайскими инвесторами.

**Наблюдательный Совет**
**ОАО «Газавтоматика»**

## XORIJDA

### ЎЗ ЭЛЧИХОНАЛАРИНИ ЁПИШДИ

Канада ва Австралия Филиппиндаги ўз элчихоналари фаолиятини вақтинчалик тўхтатди ва қўшимча хавфсизлик чораларини кўрмоқда, дея хабар беради Associated Press агентлиги.

Сабаби, разведка маълумотларига кўра, экстремистик гуруҳлар томонидан янги террорчилик акти содир этилиши эҳтимоли борлигидир. «Махсус хизмат вакилларидан элчихонамизга жиддий хавф таҳдид солаётганлиги ҳақида огоҳлантириш олдик» деди Австралия ташқи ишлар вазири Александр Даунер вазиятни шарҳлар экан.

Шунингдек, Канада ҳам Маниладаги ўз элчихонасини ёпишга мажбур бўлди ва эндиликда Канада ҳукумати ўз фуқароларига Австралияга ҳозирча бормай туришларини уқтирмоқда.

Исроил ҳукумати эса Филиппин ва Жанубий Африка Республикасидаги ўз элчихоналарини вақтинча ёпмоқда. Шунингдек, Кениядаги Консуллик бўлими ҳам ёпилиш эҳтимоли бор. Сабаби, Исроил сайёҳларига қарши яқинда террорчилик акти уюштирилганлигидир. Қолган мамлакатлардаги элчихоналарда кучайтирилган хавфсизлик чоралари кўрилаётганлиги ҳақида Reuters ахборот агентлиги хабар тарқатди.

### ОЧАРЧИЛИК ХАВФ СОЛМОҚДА

Эфиопиянинг 15 миллионлик аҳолиси очликдан қирилиш хавфи остида яшамоқда, дейилади мамлакат бош вазири Мелес Зенауи берган баёнотда. Шу билан бирга мамлакат бўйлаб тарқалган фалокатнинг олдини олиш ва 1984-85 йилларда юз берган очарчилик туфайли қирилишлар яна такрорланмаслиги учун халқаро жамоатчиликдан ёрдам сўради.

Зенауининг «BBC Today»га берган интервьюсида айтишича, бугунги хавф натижасида 80-йиллардагига қараганда икки-уч марта кўп одам қурбон бўлиши мумкин.

Зенауининг мазкур баёнотига асосан АҚШ ҳукумати ёрдам қўлини чўзишга қарор қилди. Яъни Эфиопия ва Эритреяга тез кунларда жами 106 миллион долларлик озиқ-овқат маҳсулотлари жўнатишни мўлжаллаб турибди. Ёрдам буғдой, ловия ва ўсимлик ёғларидан иборат.

Ривожланаётган мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорликни амалга ошириш бўйича иш олиб борувчи Халқаро ривожланиш агентлиги берган баёнотга кўра, 87 миллион долларлик озиқ-овқат (62 тонна) Эфиопияга, 19 миллион долларлиги эса (30 тонна) Эритреяга жўнатилади, дейилади Reuters ахборотида.

### КАФОЛАТ 2 ЙИЛГА УЗАЙТИРИЛДИ



Россиянинг енгил автомобиль ишлаб чиқарувчи энг йирик корхоналаридан бўлмиш «АвтоВАЗ» акциядорлик жамияти шу йил 1 декабрдан бошлаб ўз машиналарига бериладиган кафолат муддатини узайтирди. Эндиликда харид қилинган «ВАЗ» автомобили учун заводнинг кафолат муддати аввалгидек 12 ой, ёки 20 минг километрлик ҳаракат эмас, балки 24 ой ёки 35 минг километрлик масофа қилиб белгиланди.

### ҚИРУВЧИ САМОЛЁТЛАР ҚИРҒИЗИСТОН БАЗАСИДА



Россия ҳарбий ҳаво кучларининг қирувчи ҳарбий самолётлари («Су-25», «Су-27») ҳамда «Ил-76» транспорт самолётлари шу ҳафтада Бишкекдан 20 километр наридаги Қант шаҳри ҳарбий аэродромига жойлаштирилади. Умумий хавфсизлик шартномасига аъзо давлатлар мудофаа вазирларининг қарорига кўра шундай қилинмоқда. Мазкур қирувчи самолётлар Марказий Осиё ҳудуди бўйича тезкор ҳаракатдаги умумий кучлар авиациясининг асосий таркибини ташкил этади.

«Интерфакс» хабар беришича, умумий хавфсизлик шартномаси шу йил 7 октябрь куни Кишинёвда Арманистон, Белорусия, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия ва Тожикистон президентлари томонидан имзоланган.

Ҳарбий самолётлар 5 декабрда Қирғизистонга келиши режалаштирилмоқда.

### ТИНЧЛИК КУЧЛАРИ ВАКОЛАТИ БИР ЙИЛГА ЧЎЗИЛДИ

БМТ Хавфсизлик Кенгаши Афғонистонда фаолият юритаётган тинчлик кучларининг ваколат муддатини яна бир йилга узайтирди.

Ҳозирги кунда Германия ва Нидерландия қўмондонлиги остида бошқарилаётган Афғонистон пойтахтидаги тинчлик кучлари таркибида 4800 нафар ҳарбий хизматчи бор.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Афғонистон Президенти ва БМТ Бош котибининг мамлакатдаги тинчлик кучлари таркибини кенгайтириш ва бошқа ҳудудларда ҳам улар фаолиятини ташкил этиш борасидаги чақириғи АҚШ ва бошқа давлатлар томонидан қўллаб-қувватланмади, дейилади Reuters берган маълумотда.



# АЛИШЕР НАВОИЙГА ЭҲТИРОМ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тантанали маросимда сўзга чиққан Москва шаҳри мэри Юрий Лужков улуғ шоир ижодидаги инсонпарварлик ғояларининг абадийлиги давр синовидан ўтганлигини таъкидлади.

— Ўйлайманки, Алишер Навоий ўз ижоди ва фаолияти орқали халққа тақдим этган ўй-фикрлари ҳозирги кунда ҳам ўзининг долзарблигини йўқотмаган ва шундайлигича қолади. Ўзбекистон Президентига алоҳида миннатдорчилигимни изҳор қилмоқчиман. Ўтган йили бўлиб ўтган учрашувимизда Ислом Абдуғаниевич Каримов шаҳримизда ушбу ҳайкалнинг ўрнатилишини қизғин қўллаб-қувватлади. Дарҳақиқат, биз Ўзбекистондан ажойиб туҳфа олдик, — деди Москва мэри.

Шундан сўнг сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ҳ.Кароматов Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги кўп асрлик маданий алоқалар хусусида тўхталиб, сўнгги йилларда улар мустаҳкамланиб, янги мазмун касб этаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон халқ шоири Э.Воҳидов буюк ҳамюртимизнинг ҳайкали Россия пойтахтида ўрнатилганидан мамнун ва мағрур эканлигини изҳор этиб, бу жой Россияда истиқомат қилаётган ва фаолият олиб бораётган ўзбеклар, шунингдек, турли миллатларга мансуб Навоий ижоди ихлосмандлари учун муқаддас қадамжо бўлиб қолишига ишонч билдирди.

Ҳайкални ёпиб турган мато аста очилиб, минглаб москваликлар ва шаҳар меҳмонлари кўз ўнгида буюк шоир сиймоси гавдаланди. Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси давлат мадҳиялари янгради. Тадбир иштирокчилари Навоий ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди.

Шу куни кўплаб меҳмонлар бўлиб ўтган маросим хусусида ўз фикрларини билдирдилар. Жумладан, Бутунроссия кўргазма маркази директори, Кўргазмалар фаолияти бўйича МДҲ давлатлараро кенгаши раиси Александр Юрченко ўз фикрини қуйидагича баён этди:

— Янги тарихий шароитда янги авлод учун ниҳоятда зарур бўлган халқларимиз ўртасидаги дўстликнинг янада мустаҳкамланишидан ва маданиятларимизнинг ўзаро яқинлашуви сари яна бир қадам қўйилганидан бағоят мамнунман.

Тадбирда сўзга чиққан Россия Бадиий академияси вице-президенти, Суриков номидаги бадиий институт ректори Андрей Бичуков қуйидагиларни айтди:

— Тошкент марказида Пушкинга ўрнатилган ҳайкал биз учун катта фахрдир. Ўз навбатида бизнинг маънавий ва инсоний ришталаримиз Москва марказида буюк Алишер Навоий сиймоси бронза ва гранитда акс этиши ҳам қувонарли ҳолдир.

— Алишер Навоий ҳайкалининг очилиши инсониятнинг олий маънавий қадриятлар сари интилишининг рамзи бўлиб қолади,— деди сиёсатшунос, академик Фёдор Бурлацкий.

Хулоса қилишдан аввал яна бир нарсани таъкидлаш лозим. Октябрь ойига режалаштирилган ҳайкалнинг очилиши юзлаб бегуноҳ инсонларни гаровга олиш билан боғлик нохушликлар сабабли кейинга қолдирилганди. Ҳайкал Дубровкадаги гаровга олинганларни озод қилинишига роппа-росса бир ой тўлган сана, 26 ноябрь куни очилди. Бизнингча, бунда катта маъно бор. Алишер Навоий ўз асарларида яхшилик ва нафосатнинг зўравонлик ва жаҳолат устидан ғалабасини тараннум этган. Ҳайкал супасида ўзбек ва рус тилида зикр этилган шоир мисралари барча мавжудотлар узра табиат билан ҳамоҳанг янграйди:

**Олам аҳли, билингизким,**
**Иш эмас душманлиғ,**
**Ёр ўлинг бир-бирингизгаким,**
**Эрур ёрлиғ иш.**

■ **Ғайрат ШУКУРОВ, Олег ШАТУНОВСКИЙ, «Жаҳон» АА махсус мухбирлари**

СОҒЛОМ АВЛОД ОРЗУСИ

# БАДИИЙ ГИМНАСТИКА — НАФОСАТ, ЛАТОФАТ ВА ГЎЗАЛЛИК МАКТАБИ

## Бу мактабда таълим олганларни эртаклардаги сарвқомат санамларга, паривашларга қиёс қилишади

Дунёда спорт тури кўп, мусобақанинг хили кўп. Ҳаммаси ўз ўрнида қизиқарли ва аҳамиятли, албатта. Аммо шундай спорт тури, шундай мусобақалар борки, улар бир халқнинг, миллатнинг эзгу-ниятлари, юксак мақсадлари билан боғлиқ бўлади.

Бухорода бадиий гимнастика бўйича ташкил этилган турнир ана шундай яхши ва катта ниятлар замирида туғилган спорт тадбирлари сирасига киради. Иштирокчи ва томошабинларнинг кўплиги, вилоят раҳбарлари ва республика миқёсидаги меҳмонларнинг ташрифи ҳам бу мусобақа нуфузи баландлигини кўрсатиб турибди.

Энди савол туғилади: хўш, бу мусобақага, бадиий гимнастикага нега бирданига бунчалик эътибор қаратилмоқда?

Аввало шуни айтиш кераккки, бадиий гимнастика юртимизда кеча ё бугун пайдо бўлгани йўқ. Спортнинг бу тури дунёда пайдо бўлганига, юртимизда оммалашганига ҳам анча бўлган. Жаҳон чемпионатлари, нуфузли халқаро турнирларни ўтказиш анъанага айланган.

Мамлакатимиз бадиий гимнастикачилари 1980-йилларда, айниқса, қувончли ютуқларга эришишган. Ўзбекистон терма жамоаси собиқ иттифоқ миқёсидаги мусобақалар ва йирик халқаро турнирларда муваффақиятли иштирок этган. Учқудуқлик Венера Зарипова жаҳон чемпионатлари ва қатор нуфузли халқаро турнирларда совриндор бўлган. У дунё спорт оламида ҳурмат-эътибор қозонган эди.

Аммо спортнинг бу турини кенг ривожлантириш имкониятларидан фойдаланилмай келинаётгани бор гап. Бадиий гимнастикага қизиқувчилар ҳам, истеъдодли ёшлар ҳам оз эмаслигини Бухорода ўтган турнир яна бир бор исботлади.

Мамлакатимизда спортнинг айнан ана шу турига жиддий эътибор бошланганини қандай изоҳлаш мумкин? Бадиий гимнастиканинг қизлар шуғулланаётган бошқа спорт турларидан афзаллиги нимада?

Миллат саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, соғлом авлодни камол топтиришда спортнинг аҳамияти бебаҳолиги ҳеч кимга сир эмас. Бу асрлар давомида қайта-қайта исботланган, эътироф этилган. Шунинг учун ҳам ҳамма давлатларда спортнинг оммалашувига эътибор берилади.

Соғлом авлод, соғлом миллат масаласи бизда ҳам мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ кун тартибига қўйилди, давлат даражасидаги энг муҳим вазифалар дея белгиланди. Ўтган ўн бир йил орасида бу борада амалга оширилган ишлар кўламига назар солсак, ҳеч муболағасиз асрлар бўйи қилинмаган ишлар амалга оширилганига ишонч ҳосил қиламиз.

Бадиий гимнастикани янада ривожлантириш орқали қизларимизни спортнинг бу турига кўпроқ жалб этиш мақсадида бугун бошланган бу саъй-ҳаракат ҳам соғлом авлод тарбияси бўйича амалга ошираётган ишларимизнинг узвий давоми, бошқача айтганда, бу борадаги яна бир янги қадамдир.

Нега айнан бадиий гимнастика танланди?

Ҳозир дунёда қизлар спорти жуда тез оммалашиб бормоқда. Ҳатто шу чоққача эркаклар спорти ҳисобланган бокс, оғир атлетика, кураш турлари ҳам хотин-қизлар томонидан забт этилмоқда. Бу тўғри ё нотўғрилиги ҳақида баҳс-мунозаралар бўлиб турибди. Бунга баҳо беришда, ҳар бир миллат ўз кайфияти, руҳи, табиати, лўндароқ айтганда, миллий менталитетидан келиб чиқади. Шу нуқтаи назардан қараганда бадиий гимнастика бизнинг қизларимиз учун жуда мос ва маъқул спорт тури. Нафосат, латофат, гўзаллик, мусиқа ва рақсни ўзида жамлаган бадиий гимнастикани санъатми ё спортми, деб баҳс юритилган пайтлар ҳам бўлган. Бадиий гимнастикани нафис гимнастика деб ҳам аташади. Бу спорт тури қизларимизга хослиги, мослигининг яна бир жиҳати шундаки, у қўпол, ноўхшов ҳаракатлар, жисмонан зўриқишлардан холи. Бу спорт тури қизларнинг қадди-қоматини тик ва гўзал, белларини хипча, қадамларини ўктам қилади.

Бадиий гимнастикачилар ранг-баранг ленталар, копток ёки бульава билан бажараётган машқларига қаранг... Латофату гўзаллик уфуриб турган манзаралардан инсон руҳий олами яшнаб кетади... Тўлқинлар устида оққушдек сузаётган, тоғлар этагида оҳудек сакраётган, ҳавода қалдирғочдек, кабутардек чарх ураётган қизларни кўриб нафосат гулшанига ғарқ бўлади киши.

Беихтиёр ўйлайсан: бадиий гимнастикадан гўзалроқ, нафисроқ бошқа спорт тури бормикин?.. Ўйлаб-ўйлаб кўнгилга шундай жавоб келади: — бадиий гимнастикадан гўзали — бу фақат бадиий гимнастика!

**Сафар БАХТИЁР**

# «НАФИС»ДА ГЎЗАЛЛИК КЎРИГИ



29-30 ноябрь кунлари кўҳна ва қадимий Бухоро шаҳридаги «Нафис» спорт саройида «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси соврини учун бадиий гимнастика бўйича II республика турнири бўлиб ўтди.

1986-1988 йилларда туғилган ёш гимнастикачи қизлар беллашувида биринчи ўринни Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, тошкентлик Мария Сержантова эгаллади. Унинг ҳамшаҳри Элмира Алиевага иккинчи, бухоролик Албина Чепкуновага эса учинчи ўрин насиб этди. 1988-1989 йилларда туғилганлар ўртасида эса тошкентлик гимнастика маликаси Екатерина Бабинанинг олдига тушадигани топилмади. Ундан кейинги ўринларни бухоролик Раъно Муҳаммедова ва тошкентлик Рита Алимовалар бўлиб олишди.

1990-1991 йилларда туғилган навоийлик Ульяна Трофимова, тошкентлик Анна Михайлова, Вероника Есипова, 1992-1993 йилда таваллуд топган тошкентлик Комила Тўхтаева, бухоролик Махости Жўраева, тошкентлик Диля Мирзакаримовалар чиқишлари ҳам мухлислар олқишига сазовор бўлди.

■ **Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

# ЎЗБЕК РОМАНИ — ОЛМОН ТИЛИДА

Учинчи минг йиллик, яъни учинчи эра бошланиши ўзбек адабиётининг чет тилларга таржималари учун ҳам янги давр бўлишига йўл очиб бермоқда. Бу эса ўз мустақиллигини мустаҳкамлаб бораётган, сабр-бардошли ва матонатли ўзбек халқи учун катта аҳамият касб этади, албатта.

Хусусан, ўтган 2001 йилда Германиядаги «Майенштайн» нашриётида «Самарқанд эртаклари» номи билан германиялик этнограф Габриеле Келлер тўплаган ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари олмон тилида чоп этилди. Китоб «Мустақил Ўзбекистоннинг 10 йиллигига ва унинг аёлларига бағишланади», деган таъкид билан бошлангани учунми, китобхонлар талабига кўра бу йил ҳам қайта нашр этилди.

2002 йил бошида эса берлинлик ўзбекшунос олима, профессор Ингеборг Балдауф саъй-ҳаракати билан ўзбек ёзувчиси Учқун Назаровнинг «Чаён йили» романи немис китобхонларига тақдим этилди. Роман жилди ҳошиясида асардан унинг номи ва мазмунига алоқадор қисқа парча келтирилиб, «Ушбу роман собиқ шўро тизимининг қурбони бўлган бутун бир авлоднинг иккинчи жаҳон уруши йилларидаги ҳаётини тасвирлаган», деган ишорани ўқиган ҳар бир китобхон унга бефарқ қаролмайди. «Ўзбек» тушунчаси Олмонияда нисбатан янги. Кўпчилик Ўзбекистон деган давлат, ўзбек деган миллат борлигини яхши билмасди, аммо мустақиллик даврида йўлга қўйилган бевосита алоқалар миллатимизнинг танилишига янги пойдевор бўлаяпти. Кўплаб нашрлар ва оммавий ахборот воситалари орқали ўзбеклар ҳақидаги тасаввурлар йил сайин кенгайиб, ойдинлашиб бормоқда. Бу ишда таржималарнинг ҳам ўрни беқиёсдир.

Романни ўзбек тилида ўқимагандим, афсус. Аммо олмон тилида маза қилиб ўқидим, чунки аксарият миллий сўз ва иборалар, тушунчалар, атоқли отлар ва жой номлари жуда яхши ўгирилган, худди аслидагидай талаффуз қилинади. Масалан, Ойниса, Ризвонбиби, Жамила, Захро, Саттор, Чорсу бозор, Мурод, Шамси, Муқаддас, Ҳошимжон, Ҳолида худди аслидагидай ағдарилган. Асарнинг бошида ўзбекчага хос сўзларнинг ёзилишидаги айрим хусусиятлар қисқа қилиб тушунтирилган. Шу сабабдан олмон китобхони юқоридаги сўзларни ўқишда ва талаффуз қилишда (товуш чиқариб китоб ўқувчилар Олмонияда ҳам бор-да) тили бемалол, равон айланади.

Мутолаа янада мароқли бўлиши учун матн ниҳоясида глоссар, яъни романда учрайдиган ўша даврга хос барча сўз ва тушунчалар алифбо тартибида изоҳланган. Айрим изоҳлар эътирозталаб, масалан: 287-бетда «Заҳириддин Бобур» мақоласида: «Асарларининг кўпчилигини форсий ва арабийда эмас, туркийнинг шарқий лаҳжасида ёзгани сабабли у ўзбек адабиётининг асосчиси саналади», — дейилган. Мен ушбу сифатни Навоийга тегишли деб билардим.

Асарда шу ва шунга ўхшаш бир неча камчиликлар мавжуд. Бироқ, бу жузъий ҳолатлар роман таржимасидаги ялпи жиддий фазилатларга соя ташламайди. Мутаржим аслият, миллий колоритни бениҳоя яхши ҳис этишини ўз она тилидаги равон услуб билан омухта қила олган.

Хуллас, асар муаллифи ва унинг таржимонини гўзал таржима билан, ўзбек адабиётини эса олмонзабон мамлакатларга қилган янги сафари билан табриклайман. Ўйлайманки, бу асар ҳам ўзбек миллий сиймосининг олмон заминида янада илдиз отишига, ўзбеклар диёрига бўлган қизиқишнинг кучайишига ёрдам беради.

■ **Хуррам РАҲИМОВ, Низомий номидаги ТДПУ олмон филологияси кафедраси мудири, айни пайтда Олмонияда гастдоцент**

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

# БЕҲАЛОВАТ ИНСОНЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

## «Ўзбекистон» нашриёти «Матбуотимиз фидойилари» номли бадиий-публицистик тўпламни нашр этди

Оммавий ахборот воситалари халқимиз минбари, фикри-зикри ва иродасининг ифодачисидир. Бу касб эгалари эса тарихимиз салномачиси, истиқлол ғояларининг тарғиботчиси ҳисобланади.

«Матбуотимиз фидойилари» тўплами 1991 ва 1993 йилларда чоп этилган икки тўпламнинг мантиқий давомидир. Унда миллий матбуотимиз тамал тошини қўйган қаламкашлар, бугунги кунда ўз меҳнати билан эл эъзозига сазовор бўлаётган журналистлар, телерадио ходимлари, ноширлар ва матбаачилар ҳақида сўз юритилади.

Китоб «Ёднома», «Дилномалар» ва «Журналистикамиз эмакдошлари» деб номланган уч бўлимдан иборат. Мамлакатимизнинг таниқли қаламкашлари ёзган бадиий-публицистик очерк ва лавҳалар, интервью-суҳбатларда бир юз элликдан зиёд шарафли касб эгаларининг серқирра, жўшқин ва давр нафасига ҳамоҳанг ижоди ҳикоя қилиб берилган.

Тўпламни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори Зиёд Есенбоев нашрга тайёрлаб, сўз боши ёзган. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг ижарадаги





Тошкент полиграфия комбинатида босилган «Матбуотимиз фидойилари» китобига Сурьат Абдукаримов билан Ҳамид Султонов муҳаррирлик қилишган.

Китоб нафақат ижод аҳли, балки кенг китобхонларда ҳам қизиқиш уйғотади деган умиддамиз.

■ **Юнус ЗИЁДОВ**

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

# РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

**2003 йил 2,9,16 январь кунлари соат 11.00 да республика Биржалар маркази биносида ўтказиладиган аукцион савдоларига қуйидаги объектлар қўйилади:**

1. Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, «Қорабоғ» қўрғонида жойлашган, «Кўмир» ОАЖга қарашли «Горняк» сиҳатгоҳи (профилакторий).

**Бошланғич баҳоси — 79743300 сўм.**

2. Сирдарё вилоятида жойлашган Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибидаги «Сирдарёсувқурилиш» трестига қарашли «38-сонли механизациялашган кўчма колонна» МЧЖ Низом жамғармасининг 90 фоизи.

**Бошланғич баҳоси — 88626,2 минг сўм.**

**Шунингдек, ушбу аукцион савдоларига эркин муомаладаги валютага қуйидаги объектлар қўйилади:**

1. Тошкент вилояти, Ангрен шаҳрида жойлашган 68-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси.

**Бошланғич баҳоси — 42126 АҚШ доллари.**

2. Хоразм вилояти, Хазорасп туманида жойлашган «Саримай» автокемпинги.

**Бошланғич баҳоси — 764733 АҚШ доллари**

**2002 йил 5,12,19,26 декабрь кунлари соат 11.00 да республика Биржалар маркази биносида ўтказиладиган аукцион савдоларига эркин муомаладаги валютага қуйидаги объектлар қўйилади:**

1. Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, «Янги Тўлқин» жамоа хўжалиги, Тўйтепа трассасида жойлашган 54-сонли контейнер туридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (54-КАЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси — 37355 АҚШ доллари.**

2. Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Тошкент-Ангрен трассасида жойлашган 67-сонли контейнер туридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (67-КАЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси — 39802 АҚШ доллари.**

3. Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Тошкент-Термиз автошоссесининг 46-километрида жойлашган 15-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (15-АЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси — 74731 АҚШ доллари.**

4. Бухоро вилояти, Жондор туманида жойлашган 15-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (15-АЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси — 32047 АҚШ доллари.**

5. Наманган вилояти, Давлатобод тумани, Қўқумбой кўчасида жойлашган 24-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (24-АЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси — 51065 АҚШ доллари.**

6. Тошкент шаҳри, Чилонзор туманида жойлашган 121-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (121-АЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси — 107838 АҚШ доллари.**

*Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!*
*Имкониятингизни бой берманг!*
*Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлаши шарт.*
*Харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.*
*Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.*

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, республика Кўчмас мулк биржаси. Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75. Факс: 136-06-17. www.uzrkmb.com**

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази жамоаси марказ раҳбари ўринбосари Султонмурод Олимовга падари бузруквори

**Ҳошимжон ота ОЛИМОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Тафаккур» журнали жамоаси журнал таҳрир ҳайъати аъзоси Султонмурод Олимовга падари бузруквори

**ҲОШИМЖОН ОТА**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot — 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Parlament va huquq — 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Matnazar ELMURODOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 1068
10476 nusxada bosildi
uzb ovozi@sarkor.uz.
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00.
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA